

ФРАНЦУЗ УНЛИЛАРИДА НАЗАЛЛИК ВА УЛАРДА ДАРАЖАЛИ МУНОСАБАТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

*Гулчехра Мамасолиева Абдухалиловна
Андижон давлат чет тиллари институти, Француз
тили назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси*

Annotatsiya: Мақолада фонологик бирликлар ўртасидаги градуал муносабатни унлилар парадигматикасида (француз тили бурун товушларида) намоён бўлиши масаласи ёритилган. Француз ва ўзбек тиллари материаллари қиёсий тадқиқ қилиниб, уларнинг ушбу тилларда ифодаланиши хусусида фикр юритилади.

Kalit soʻzlar: *приватив оппозиция, градуал оппозиция, эквиолент оппозиция, фонологик белгилар, фонологик градуонимия.*

Тил структураси сатҳли тузилишга эга бўлиб, сатҳ бирликлари ўзаро интегратив муносабатда бўлади. Бирликлар ўртасидаги муносабатлар уларнинг бир сатҳга ёки турли сатҳга мансублигига кўра белгиланади. Бир сатҳга мансуб бирликлар ўртасида парадигматик муносабат мавжуд бўлиб, улар яна ички муносабат турларига эга бўлиши мумкин.

Француз тилида ўзбек тилидан фаркли ўлароқ, ўзбек тили учун қўшимча ҳисобланган белгилар француз тили учун асосий белгилар ҳисобланади. Француз тили унли товушлари анчагина бой бўлиб, улар сон жиҳатдан ўзбек тили ва бошқа баъзи тилларга исбатан икки ярим ва уч баробар кўпдир (жумладан рус тилига нисбатан ҳам).

Француз тили унли товушларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тил унлилар системасида бурун товушларнинг мавжудлигидир. Д.Набиевнинг аниқлашича, ўзбек тилида эса назаллик фонологик қимматга эга эмас. “Назаллик белгиси бир қатор ўзбек шеваларида кенг тарқалган бўлса-да, лекин у унли фонемаларни фарқловчи белги бўла олмайди. Фақат қўшимча белги сифатида унлиларнинг вариантыни ҳосил қилади. Англашиладики, назаллик белгиси ўзбек тилида унлиларнинг парадигматик муносабатида мавжуд эмас. У фақат синтагматикада ёндош бурун ундошларининг таъсирида қўшимча белги сифатида пайдо бўлади”.

Бундан, француз тилида назаллик белгиси парадигматик муносабатида мавжуд деган хулосага келиш мумкин. Француз тили бурун товушлари юмшоқ танглайни пастга тушиб, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг ҳам бурун, ҳам оғиз бўшлиғи орқали ўтиши натижасида ҳосил бўлади.

Бироқ келт тили маълумотларига қараганда, келт тилида ҳеч қандай бурун товушлари мавжуд эмас. Бу эса назаллик келт тили таъсирида эмас, балки лотин тили таъсирида ҳосил бўлган деган фикрларни тасдиқлайди.

Галлия (Қадимда Францияни шундай аташган) тилида **m** ва **n** бурун ундош товушлари ўзидан олдин келган урғули унли товушларга кучли таъсир этган. Бунинг оқибатида:

- 1) унлиларни ўзгаришига сабаб бўлган;
- 2) бу сўздаги унлилар бурунлашган.

Роман тилига ўтиш даври бошларида **a** ва **e** унлилари Франция шимолидаги қуйидаги сўзларда бурунлашган: **grānt** “катта”, **vēndre** “сотмоқ”, **“ēnfānt”** бола, **fēme** “аёл” ва бошқалар. Бу барча бурун товушлари XI аср ўрталарида келиб **ā** бурун товушига бирикади (**vāndre**, **ānfānt**). XII аср бошларида **bon**, **corone**, ромесўзларидаги **o** товуши назаллашган: **bōn** “яхши”, **corōne** “тож”, **pōme** “олма”. [7.250] Лекин ҳозирги француз тилидаги **romme** “олма”, **femme** “аёл” сўзларида бурун товушлари мавжуд эмас. Чунки

кўшимча **m** ундошининг иккиланиши туфайли бурун товуши соф товушга ўрнини бўшатиб берган.

Ҳозирги замон француз адабий тилини ўрганишда бурун товушларининг тарихий ривожланишини билиш муҳим касб этади.

а) **i** ва **u** унлиси худди бошқа унлилар сингари XVI ва XVII асрларда

[**ē**] ва [**œ**] бурун товушларига ўзгарди. in « вино » prince «шаҳзода» , un “бир” ва х.к

б) қарийб шу даврга келиб **eu** бурун дифтонги тамомила **ë** бурун товушига соддалашди: **plein** “тўлик”, **teindre** “ бўямоқ”, **pain** “ нон”

в) Ўрта аср француз тилида **m** ва **n** товушлари сўз охирида ёки бурун унли товушидан кейин келган ундош товушлар умуман талаффуз этилмай қўйилади. **bon** “яхши”, **pain** “нон”, **comte** “граф”, **vendre** “сотмоқ” каби сўзлар **bō, pē, kōt, vādr** (эски француз тилида **bōn, pēyn, kōnt, vāndr**) каби талаффуз қилина бошлади. Масалан: **monde** “дунё, жаҳон, олам” сўзи Парижда **mōd**, Тулуза ва Марселда **mōnde** ҳаттоки, **monde** каби бутунлигича ва биргаликда талаффуз қилинади.

[**mōd**]→[**mōnde**]→[**monde**]

N→N+c→N+c

Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳозирги француз адабий тили лаҳжаларида бурун товушининг турли даражадаги талаффуз жараёнини кузатишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Абдуазимов. А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. –Тошкент “Ўқитувчи” 1992, 31-32 бетлар.
2. Бозоров. О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. –Тошкент.10 бет.
3. Набиева Д.А. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик- хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. –Тошкент. “Шарк” нашриёти – матбаа акциядорлик босмаҳонаси, 2005, 79-бет.
4. Michel Leroy. Les manuels scolaires : situation et perspectives. mars 2012.
5. Abduxalilovna, M. G. (2024). Fransuz tili adabiyotida gradatsiyaning qo‘llanishi *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(4), 707-710.
6. Мамасолиева, Г. Фонетик градуонимия муносабатларининг айрим жиҳатлари (Француз ва ўзбек тиллари мисолида). *ILMIY XABARNOMA. НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Андижанский государственный университет им. ЗМ Бабур*, (4), 88-92.
7. Abdukhalilovna, M.G. (2022). From the history of learning french. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(3), 588-589.

Abdukhalilovna, M. G. (2023). Importance of modern pedagogical teaching in phonetics in higher educational institutions. *JOURNAL OF LANGUAGE AND LINGUISTICS*,